

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЎҚИТИШ  
ХОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ**

**СОСТОЯНИЕ И АНАЛИЗ ПРЕПОДАВАНИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ  
В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**THE STATE AND ANALYSIS OF TEACHING MEDICINAL PLANTS IN THE  
SYSTEM OF CONTINUING EDUCATION**

**Бектаева Хурият Ортигалиевна**

ЧДПУ табиий фанлар факультети, Генетика ва эволюцион биология,  
кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:**

Аҳоли саломатлигини сақлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришда доривор ўсимликларга оид фанларни ўқитиш асосланган. Узлуксиз таълим тизимида доривор ўсимликлар фанини ўқитишнинг долзарбилиги ва уни профессионал таълим тизимиға жорий этиш зарурияти келтирилган.

**Калит сўзлар:** доривор ўсимликлар, узлуксиз таълим, фитобар, соғлом турмуш тарзи, ўқитиш методологияси.

**Аннотация:** преподавание дисциплин о лекарственных растениях основано на сохранении здоровья населения и формировании здорового образа жизни. В системе непрерывного образования представлена актуальность преподавания предмета "Лекарственные растения" и необходимость внедрения его в систему профессионального образования.

**Ключевые слова:** лекарственные растения, непрерывное образование, фитобар, здоровый образ жизни, методика преподавания.

**Abstract:** the teaching of disciplines about medicinal plants is based on the preservation of public health and the formation of a healthy lifestyle. The system of continuing education presents the relevance of teaching the subject "Medicinal plants" and the need to introduce it into the system of vocational education.

**Keywords:** medicinal plants, continuing education, phytobar, healthy lifestyle, teaching methods.

Жаҳонда инсон фаолияти доирасида юзага келган ижтимоий, иқтисодий, демографик, маънавий ва биологик тангликтарни бартараф этиш замонавий цивилизациянинг долзарб муаммоси сифатида кўтарилилган. Жадал ривожланиб бораётган дунё меҳнат бозори ва юқори технологик тараққиёт барча соҳаларда фаолият юритадиган бўлажак мутахассисларга, она заминни, экотизимларни, инсон саломатлигини ҳимоялаш, атроф-муҳитни беқарорлик ва издан чиқишидан асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш каби муаммоларни бартараф этишда талабаларнинг доривор усиликлар кластериини таркиб топтириш ва ривожлантириш вазифасини қўймоқда.

Жаҳон таълим тараққиётида универсал ахборот-коммуникацион технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва замонавий табобатни, медицина ҳамда фармоцевтиканни таълим жараёнига тадбиқ этиш, қишлоқ хўжаликда илмий-техника ҳамда доривор ўсимликларнинг ютуқлари асосида таълим тизимини ислоҳ қилишининг муҳим омилларидан бири сифатида, ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, доривор ўсимликларга оид фанларни ўқитиши, инсоният учун хизмат қилаётган доривор ўсимликлар манбалари, доривор ўсимликлардан тайёрланадиган маҳсулотлар асбоб-ускуналар ва саноат техникасининг тараққий этишида шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлилигини шакллантириш ва ривожлантириш заруратини юзага келтирмоқда.

Дунёning халқаро илмий марказларида жаҳон андозаларига мос компетентли доривор ўсимликларни ўрганувчи ва ўргатувчи мутахассислар тайёрлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, мазкур тадқиқотлар асосида таълим жараёнида шахсга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиш имкониятлари таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунда Коллеж ва професонал таълим муассасалари талабаларнинг касбий компетентлилигини шахсга йўналтирилган таълим асосида шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган илмий изланишлар фармокогнозия фанини рекрутинг талабларига мос чукур ўрганиш, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш ҳамда Доривор ўсимликларнинг янги йўналишлари бўйича фармоцевтика, Биология ва қишлоқ хўжалиги соҳаларда мустақил фикрловчи, ижодий фаолият юрита оладиган, ижодкор мутахассисларни креативлик асосида тайёрлашнинг аҳамияти долзарб ҳисобланади. Бу эса, шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Республикамизда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш борасида олиб борилаётган кенг ислоҳотлар олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўқитиши сифат-самарадорлиги ортишига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, доривор ўсимликларга оид фанларни шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида ўқитишига қаратилган

ёндашувларни такомиллаштириш зарурати мавжуд. Олий ва ўрта маҳсус таълим тизими олдида турган устувор йўналишлар сирасида: “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, таълимни ташкил этиш ва педагогик технологиялар тизимидан фойдаланиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ечими сифатида олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос хусусиятлари асосида талабаларнинг касбий компетентлилигини шакллантириш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

Инсоният юксак даражадаги фан-техника тараққиёти асрига қадам қўйган бўлса-да, ўз ўтмишига, яъни ҳалқ табобатига, донишмандликнинг битмас-туганмас манбаига мурожаат қилмоқда. Ҳозирги кундаги кўпгина муаммоларни ечишда уларнинг бой тажрибаларидан кенг фойдаланиб, боқий анъаналарини тиклаб ва замонавий билимлар билан бойитиб, ҳалқимиз соғлигини мустаҳкамлаш йўлида қўлламоқда. Бугунги кунда ҳалқ табобати тавсиялари нақадар муҳим аҳамият касб этаётганининг ҳақиқий исботи — жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳалқ табобатига ниҳоятда жиддий эътибор берилаётгани ва дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатида ҳалқ табобатига расмий мақом берилганидир. Бир қатор мамлакатларда ҳалқ табобати академиялари, илмий - тадқиқот институтлари, дорилфунунларда табобат тизими учун илмий-амалий мутахассислар тайёрлаш бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур талабалар доривор ўсимликларда асос бўладиган таркибий қисмлар, уларни таркиб топтириш ва ривожлантириш босқичлари, узлуксиз тамойилларини аниқлаш, таълим мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларининг узвийлиги асосида тизимлаштириш ҳамда бўлажак мутахассисларда касбий тайёргарликка изчил равища табии ва тиббий тайёргарликнинг педагогик моделини яратиш зарурияти танланган мавзунинг долзарблигини далолатлайди ва бу мавзу юзасидан узлуксиз таълим жараёнида илмий изланишларни тақазо қиласи.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 й. 7 феврал.ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.2017й.6-сон, 70 модда

**Адабиётлар**

1. Асмолова А. Г. Формирование универсальных учебных действий в основной школе: от действия к мысли. Система заданий. [А. Г. Асмолов, Г. В. Бурменская, И. А. Володарская и др.];— М.: Просвещение, 2010.
2. Крылова Г. В. Травы жизни и их искатели. – 2-е. изд. – Новосибирск: Зап. – Сиб. изд-во, 1972.
3. Курдюмов В. Г., Егорова Н. Н. Очищение организма или 25 трав сбора «Гепар», возвращающих здоровье. – СПб.: ООО «Гольфстрим», 2005.
4. Mirzayeva. N. A. (2020). Relevance and pedagogical basis development of environmental competence in students. *Science and Education*, 1(7).
5. Atanazar KarimovichRakhimov, Dilnavoz Bakturdievna Saidova, Oygul Odil Qizi Rasulova Experimental site "School Laboratory" the introduction of an innovative cluster project.